

Анна Ахматова 20 аср рус шеъриятининг ёрқин вакилларидан биридир. У 1889 йилнинг 11 июнида Одессада туғилди. Анна ёшига етай деб қолганида, унинг оиласи шимолга – бизга Пушкин шеърлари орқали таниш бўлган машҳур Царское Селога кўчиб келади. Бўлғуси шоиранинг болалик ва ўсмирлик йиллари шу макон билан боғлиқ. Анна Ахматованинг илк шеърларида Царское Село манзаралари бор бўй-басти билан намоён бўлган. Шоира “Ўзим ҳақимда” номли мақоласида болалик дамларини шундай хотирлайди: “Менга ўқиши Лев Тольстой алифбоси асосида ўргатишган. Беш ёшимда эса катта ёшли болаларга француз тилидан сабоқ бераётган энагамга қулоқ солиб ўтириб, француздча сўзларни ўргана бошладим. Биринчи шеъримни ўн бир ёшимда ёзганман. Бошқалардан фарқли тарзда мени шеърият билан илк бор Пушкин ва Лермонтов шеърлари эмас, балки Державин ҳамда Некрасов ижоди таништирган. Ойим бу шоирларнинг шеърларини ёддан билар ва бизга ўқиб берар эди”.

1905 йилда шоиранинг ота-онаси ажрашиб кетишади. Онаси фарзандларини олиб жанубга йўл олади. Севимли Царское Селодан, болалик хотиралари ва илк муҳаббатидан олисга кетиш ёш шоиранинг таъсирчан қалбини изтиробга гирифтор этади. Айни пайтда унинг учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фундуклеевский гимназиясида мактаб таҳсилини тугаллаган Анна Киевдаги Хотин-қизлар Олий курсининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқий бошлайди. 21 ёшида акмеизм оқимининг асосчиси, жаҳонгашта шоир Николай Гумилёв билан турмуш қуради. Келин-куёв асал ойини Парижда ўтказишади. Кейинчалик Париж манзараларини эслар экан, шоира: “Парижда бўлганимда тушуниб етдимки, француз рассомчилиги француз шеъриятини ютиб юборибди”, деб ёзган эди.

Анна Ахматованинг илк шеърий тўплами 1912 йилда “Оқшом” номи билан чоп этилади. Бор-йўғи 300 нусхада нашр этилган китоб шеърият муҳлислари орасида қўлма-қўл бўлиб кетади, адабий танқидчилик ҳам шоиранинг илк китобини юқори баҳолайди. Шу или Ахматова ҳамда Гумилёвнинг яккаю ягона фарзанди – машҳур тарихчи Лев Гумилёв дунёга келади. 1914 йилнинг март ойида шоиранинг иккинчи тўплами – “Тасбеҳлар” чоп этилади. Бу китоб рус шеъриятида ўз сўзига эга бўлган янги бир истеъдод пайдо бўлганидан дарак эди. Таҳликали бир даврда нашр этилганига қарамай, “Тасбеҳлар”нинг шов-шуви бутун мамлакат бўйлаб ёйилади. 1917 йилда шоира “Оқ гала” сарлавҳаси билан учинчи китобини нашр эттиради. 1921 йилда

“Баргизуб” дунёга келади.

Анна Ахматова шеъриятига юзланган ўқувчи тақдири азал унга ниҳоятда оғир қисматни раво кўрганини англайди: шоиранинг бутун ҳаёти яқин инсонларини соғиниб ўтган. Умр бўйи ҳижрон жомидан пайдар-пай ичиб яшаган шоира тимсолида биз аёл матонатининг қудратини ҳис этамиз.

Ахматова иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшайди. Бир қанча шеърий туркумлар яратади, таржима билан шуғулланади. Ҳассос қалбида улкан адабимиз Ойбек ижоди ва шахсиятига нисбатан чуқур ҳурмат уйғонади.

Қизиғи шундаки, Ахматова прозада ҳам қалам тебратиб кўрган. Гарчи замондошлари яхши баҳолашса-да, дўсти, ёзувчи Михаил Зошченконинг кичик эътиrozларидан сўнг у насрый асарларини ёқиб юборади. Адабиётшуносларнинг хulosасига кўра, йигирма икки йил давомида ёзиб тугалланган “Қаҳрамонсиз достон” асари Ахматова ижодининг шоҳ чўққисидир.

Анна Ахматова адабиёт учун туғилди. Энг оғир вазиятларда шеърдан юпанч топди. Шу юпанч туфайли умрининг сўнгги йилларида ушбу сўзларни қоғозга тушира олди: “Мен ҳеч қачон шеър ёзишдан тўхтамадим. Назаримда, шеърларим мустаҳкам ришталар каби мени вақт билан, халқим билан боғлаб туради”.

Таржимондан

Жиддий боқма ҳамма нарсага,

Чекмай десанг бир кун надомат.

Кўнгил қадрин билмас кимсага

Дилни очмоқ керакмас албат.

Ким учундир эпизодсан, бас –

Оддий чизиқ дайри фанода.

Йўқ, йўқ, ҳушни олар уфқмас,

Сен заррасан ёруғ дунёда.

Нолсан – ҳечлик, йўқлик тимсоли

Ким учундир, олмагайсан тан.

Зирқирашдан бўлолса холи

Қалбинг, қаҳ-қаҳ ургунг дафъатан.

Жилмаясан қараб, кўзгуда

Малак турар, сурганча хаёл.

Кўз ёшиңг арт, бошиңгни кўтар,

Гўзалликнинг ўзисан, аёл!

* * *

Йигирма биринчи, душанба туни.

Пойтахт чизгилари – хира осмонда,

Қандайдир бекорчи айтди бир куни

Мұхаббат бор, дея ёруғ жағонда.

Соддалик сабаб ё соғинганидан

Одамлар ишонди – шундоқ яшашар:

Висолни кутишар, чүчиб ҳижрондан,

Ишқий қүшиқларни ҳамон куйлашар.

Сирни очади-ю бировлар, лекин

Лом-мим дейишолмас, сукутда бари.

Бунга тасодифан дуч келувдим мен,

Гүё хастадекман үшандан бери...

* * *

Тирикмисан, ёруғ оламда

Борми сени излашдан маъно?

Оқшом чоғи эслаб, аламдан

Ёрқин олов таратайми ё?

Сен учундир кундуз дуоси,

Ёндиргувчи бедорлик – бари.

Шеърларимнинг оппоқ галаси,

Кўзларимнинг мовий гулхани.

Айланмовди ҳеч ким орзумга,

Бунча азоб этмовди ато.

Ўша – сотиб мени қайғуга,

Эркалаб, сўнг кечган зот ҳатто.

* * *

Ёқимлидир гулхан теграси –

Изғирин ва шамолдан кейин,

Унда дилни асролмадим мен,

Ўғирлашди уни, чамаси.

Давом этар янги йил, намхуш

Атиргуллар пояси ҳам бот.

Юрагимда бермайди товуш

Ниначилар, силкишиб қанот.

Оҳ, ўғрини аниқлаш осон,

Кўзларидан олгайман таниб.

Қўрқаманки, келар мен томон,

Ўлжасини қайтиб бергани.

* * *

Боғланмаган кўнгил кўнгилга,

Кетавергин, истасанг агар.

Ким шаҳд билан чиқаркан йўлга,

Шаксиз, уни кутади баҳтлар.

Нолимайман, тўқмасман ашким,

Тақдиримга битилмаган баҳт.

Бўса олма, таслим бўлса ким –

Уни ажал ўпади шу вақт.

Ҳазин кун-ла ташлашиб қадам

Қиши кунлари ўтаркан оппоқ.

Мен танлаган ўша одамдан

Оҳ, наҳотки бўлсанг яхшироқ?

* * *

Шом нурлари сарғиши ҳамда кенг,

Ёқимлидир апрел салқини.

Гарчи қўп йил кечикиб келдинг,

Кўрганимдан мамнунман сени.

Кел, ёнимга ўтирик яқинроқ,

Кўзларимга қарагин кулиб.

Манави кўк дафтар ичра, боқ –
Илк шеърларим турар жам бўлиб.

Кечир, эдим ҳаддин дилпора,
Қуёш мени қувонтирди кам.
Ўхшатибман сени кўп бора
Ўзгаларга, ўт гуноҳимдан.

* * *

Шундай бўлар баҳор олдидан:
Қор остида ўтлоқ олар тин.
Пичирлашар дараҳтлар шодон,
Илик шамол равон ва майин.

Енгил сезиб танингни, рухни,
Уйинг ажиб кўринар бу дам.
Жонга теккан эски қўшиқни
Ҳаяжон-ла бошдан айтасан.

* * *

Кетдим сокин боғинг, оппоқ уйингдан,

Токи умринг ёруғ, кимсасиз бўлсин.

Мен шундай ёздимки мадҳинг, кўйингда -

Аёл зоти ёза олмас бундайин.

Жаннатингда мени этажаксан ёд,

Кўзлар қувончи деб қилувдинг бунёд.

Бисотимда эса камёб бир мато,

Севгинг ва меҳрингни сотяпман ҳатто.

* * *

Санаганча бўм-бўш кунларни

Ёлғиздирман, топилмас ҳамроз.

Оҳ, қайдасиз, озод дўстларим,

Оққушларим, беринглар овоз.

Чорламасман куйлаб қўшиқлар,

Кўз ёш билан қайтармам ортга.

Лекин тунда, қайғули маҳал

Дуолар-ла оламан ёдга.

Бўлиб ажал ўқига нишон

Қулаб тушди ногоҳ бирингиз.

Бири мени ўпгани замон

Қарға бўлиб кўз очди, эссиҳ...

Лек йилда бир бўлади содир,

Қалин музлар эригани дам,

Екатерина боғидан дилгир

Пок сувларга боқаман мен ҳам.

Ва эшитгум: тарар сув юзин

Кенг қанотлар мовий дур соча.

Бузиб мангуд зулмат қонунин

Ким қабримга очди дарича?

* * *

Жилмайишни йиғишилди, бас -

Совуқ елда музлади лаблар.

Бир умидим бўлади абас,

Сўнг биттага ортар қўшиқлар.

Шу қўшиққа айирбошлайман

Бўлса агар тортишув, кулги.

Чунки дилга ботмоқда ёмон

Муҳаббатнинг узоқ жимлиги.

* * *

Бугун кўпdir юмушим: зотан

Хотирамни этгайман барбод,

Токи тошга айлансин дийдам

Ва қайтадан бошлайнин ҳаёт.

Үзга ролим бордир эртага –

Қовушмайди кулгуларим ҳам.

“Севги азоб” дегандинг менга,

Адашибсан. Севги – жаҳаннам.

Гулноз МҮМИНОВА таржималари

“Ёшлик”, 2015 йил 1-сон